“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига !

Жамиятнинг номи:	“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (ЎзРВБ).
Жойлашган ери (почта манзили):	Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй.
Электрон почта манзили:	info@uzrvb.uz
Расмий веб-сайт:	www.uzrvb.uz

ЎзРВБ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **2025 йил 20 июнь куни соат 15-00 да,** ўзи келган ҳолда ЎзРВБнинг маъмурий биносида (Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй) ёки видеоконференцалоқа режимида “ZOOM” платформасида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: **2025 йил 26 май.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: **2025 йил 16 июнь.**

Акциядорлар **2025 йил 20 июнь куни соат 14-00 дан 14-40 гача** рўйхатга олинади.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3. “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботини эшитиш.

4. “ЎзРВБ” АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш.

5. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

6. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.

7. ЎзРВБнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

8. ЎзРВБнинг 2024 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.

9. ЎзРВБда 2025 йил учун мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

10. “ЎзРВБ” АЖ янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

11. “ЎзРВБ” АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.

Шунингдек, ЎзРВБ акциядорларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) акциядорларга уларнинг электрон почталари орқали билдиришнома (хат) билан юборилади.

Қўшимча маълумот олиш учун: +998 55 501-33-02

Расмий веб-сайт: www.uzrvb.uz

Электрон почта манзили info@uzrvb.uz

ЎзРВБ Кузатув Кенгаши.